



Тарихда Навой сиймоси



Отабек ЖЎРАБОЕВ,
филология фанлари
номзоди, доцент

1973 йили туғилган.
Қўқон давлат педагогика
институтини тамомлаган.
Абдулқодир Гийлоний,
Алишер Навоий, Бобур,
Файзий, Хон, Фано,
Қорий, Ҳазиний, А.Қаҳҳор
асарларини нашрга
тайёрлаган. Монография,
рисола ва юздан зиёд
мақоласи чоп этилган.

У луғ инсонларнинг қиёфаси, феъл-атвори ва ҳаётига қизиқиш ҳар доим ҳам кучли бўлган. Жумладан, Алишер Навоий сиймосига. У кишининг сурати акс этган икки миниатюра маълум. Бири XV аср охиrhoқларига мансуб, Маҳмуд музаҳҳиб ишлаган машҳур расм. Иккинчисини бироз кейинроқ номаълум rassom чизган, Навоий ва ёш шаҳзода сурати. Маҳмуд миниатюрасида шоир бор бўйи билан, бироз эгилиброқ, узун ҳассага таянган ҳолда акс этган бўлиб, у Беҳзод мактабига хос нозик чизгилар ва тасвир маҳорати билан ажралиб туради. Навоийнинг донишмандлик барқ уриб турган чехраси, чуқур маъноли нигоҳи бир қарагандаёқ кишини ўзига жалб этади.

Унда зоҳирий улуғворлик билан уйғун ботиний сокинлик, юксак ахлоқий интизом, оқиллик, мукамал ҳаётий тажриба ва даҳо ижодкорга хос салоҳият нури ажиб бир нимтабассум орқали намоён бўлган. Ушбу суратнинг яқинлигини ҳақиқатга ёзма манбалалар тўла тасдиқлайди.

XX асргача Навоий ҳақида ёзилган ана шундай асарлар борасида тўхталсак. Булар: 1) махсус Навоийга бағишланган асарлар; 2) дoston ва тарихий асарларда Навоийга бағишланган боб ёки ўринлар; 3) тазкира ва илмий асарлар.

Биринчи тоифадаги асарлардан биринчи бўлиб Ғиёсиддин Ҳумомиддин Хондамир (1475-1535) қаламига мансуб “Мақорим ул-ахлоқ” (Олижаноб сифатлар) асарини келтириш ўринлидир. Асар Навоий ҳаёти, ижодий мероси, ижтимоий-сиёсий ва ҳомийлик фаолияти ҳақида бирмунча батафсил маълумот берувчи манбадир. Муаллиф уни

ёзишни ҳали Навоий ҳаётлик чоғда (1500 й.) бошлаган. Бироқ улуғ шоирнинг бевақт вафоти туфайли ўзига тақдим этолмаган. Навоий кутубхонасида ишлаган Хондамир шоир умрининг охириги йилларида у билан кўп бирга бўлган, ҳатто, жон таслим этаётган чоғда ҳам ҳозир эди. Бетақдор даҳо инсоннинг вафоти эса ёш тарихчини чуқур қайғуга солади ва бир қанча вақт кўли ишга бормай юради. Фақат Султон Ҳусайн Бойқаронинг талаби билангина у ушбу асарни тугатиб, унга тақдим этади.

Асар муқаддима, ўн мақсад (боб) ва хотимадан иборат. Уларда Навоий таваллудидан вафотига қадар бўлган воқеалар лўнда ва гўзал тарзда баён этилган. Шоирнинг юксак ахлоқий фазилатларига аниқ мисоллар келтирилган. Бу ҳақда тўхталиш ортиқча. Чунки, асарнинг ўзбекча таржимаси бир неча бор чоп этилган (1940, 1949, 1967, 2015). Академик Иззат Султон таърифи билан айтганда:

“Мақоримул-ахлоқ”да Навоийнинг биографияси эмас, балки унинг тарихи, феъл-атвори масаласи биринчи ўринда туради.

Султон Ҳусайн мирзонинг ҳам Навоийга махсус бағишланган “Рисола”си мавжуд. Ҳажман қисқа, аммо Навоий ижодиёти ҳақида жуда муҳим маълумотларни бера олувчи бу асарда Ҳусайн Бойқаро баланд оҳанг ва услубда шоир асарларига юксак баҳо беради. Тахминларга кўра, бу асар Навоий “Хамса”ни ёзиб тугатган вақтда – 1485 йили яратилган. Ҳусайн Байқаро шу асариде: “...Мир Алишер... турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ кийурди...” дея шоир ижодига юксак баҳо беради.

Навоийга бағишланган асарлар қаторига алоҳида шеърларни ҳам киритиш мумкин. Мисол учун, Давлатшоҳ Самарқандийнинг муламмаъ (ўзбекча-форсча) қасидаси маълум. Ёки, Навоийнинг яқин дўстларидан бўлган Мавлоно Фасиҳиддин Соҳибдоронинг катта ҳажмли таркиббанди ҳам бор. Ушбу шеърнинг ҳар байти биринчи мисрасидан шоир таваллуд тарихи (ҳижрий 844) ва иккинчи сатридан эса вафот йили (ҳижрий 906) абжад ҳисобида келиб чиқади. Ушбу таркиббанд-таъриҳда Навоийдек зотнинг дунёга келиши қанчалик хайрли ва қувончли бўлган эса, унинг вафоти замондошларини шунчалик чуқур ғам-ғуссага кўмиб кетгани таъкидланади. Яна Хондамир, Султон Иброҳим Амоний, Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий Охунд, Камолиддин Султон Ҳусайн, Мавлоно Дарвиш Али кабиларнинг ҳам шундай таърихлари маълум. “Тарихи том” асариде муаллифи номаълум бир таърих келади, унда ҳазрат Навоий қуёшга ўхшатади. Бир сўз билан айтганда, тарих аҳли Навоийни улуғвор ва нузли сиймо сифатида тасвирлайди. Бу эса буюк шоир далилдир.

*Мири хуришидсифат Мир Алишери шаҳир,
Рахт ба баст чу зи-и зовияи пурмеҳнат.
Соли таърихи вай аз манзили ў нўрсидам:
Омад овоз зи Фирдавс, ки: “Жаннат, жаннат!”
Яъни:*

*Қуёш сифатли машҳур (зот) Мир Алишер,
Бу азоб тўла дунёдан бутунлай кўчди.
Таърих йили ва манзилини сўрасам,
Фирдавс богидан овоз келдики: “жаннат, жаннат”*

Бу ўринда “жаннат” сўзининг икки марта келиши абжад ҳисобида 906 ни – Навоий вафот этган ҳижрий йилни кўрсатади.

Навоийнинг мансабга тайинланиши, Ҳирот ва унинг атрофида қурдирган кўтлаб иншоотлари санаси ҳақидаги таърихлар ҳам маълум. Мавлоно Атоуллоҳ Розий ва Амир Бурҳониддин Навоий




Ҳусайн Байқаро шу асариде: “...Мир Алишер... турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ кийурди...” дея шоир ижодига юксак баҳо беради.

амирлик мансабига тайин этилиши муносабати билан, Мир Хусайн Муаммой, Дарвиш Али табиб, Қози Ихтиёриддин, Мир Бурхониддин Атоуллоҳ кабилар Навоий қурдирган мадрасалар битиши ва у ерда дарс берилиши муносабати билан таърихлар айтганлар. Улардан Мир Атоуллоҳ 1486 йили қурилган бир мадрасага бағишланган таърихида: “Чун мадраса сохт Мир бо илму адаб...” дея таърифлайди. Ҳақиқатан, Навоий нафақат қурдирган мадрасаю бошқа бинолари туфайли, балки катта илм ва юксак адабга соҳиблиги билан ҳам хурмат қозонган эди.

Иккинчи хил асарлар ҳам бирмунча бўлиб, улар қуйидагилардир:

Абдурахмон Жомийнинг “Фотиҳат уш-шабоб” девони, “Лайли ва Мажнун” ва “Ҳафт пайкар” дostonларида Навоийга мақтовли таърифлар берилтб, ижодий даҳоси юксак баҳоланган.

XV-XVI асрлар тарихини акс этирувчи муҳим тарихий асарларда ҳам Алишер Навоий ҳаёти, айниқса сиёсий арбоб сифатидаги фаолиятига доир жуда кўплаб муҳим маълумотлар акс этган. Жумладан, Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхонд (1433-1498) ўзининг “Равзат ус-сафо фи сияр ил-анбиё вал-мулук вал-хулафо” (Набийлар, маликлар ва халифалар таржимаи ҳолида софлик боғи) асарида. Аслида, Мирхонд ушбу машҳур асарини Навоийнинг маслаҳати ва кўрсатмалари билан яратган. Айнан унда Навоийнинг “соҳиб тadbирлиги”, Ёдгор мирзога қарши “муҳорабалардаги иштироки”, амирлик мансаби, Астрободга бориши, укаси Дарвиш Алининг исёни, Бадиуззамон ва Музаффар мирзо ўртасидаги келишмов-



чиликларни бартараф этиши, Мўмин мирзонинг ўлдирилишига, ҳажга жўнаши, аммо Машҳаддан Султон Хусайн чақиртириб келиши ҳақидаги тарихий ҳодисалар зикр этилган.

Мирхонднинг набираси Хондамир “Макоримул-ахлоқ”дан ташқари яна учта тарихий асарида Навоийни бирқанча ўринларда ёдга олади. Хусусан, олти ой (1499 й.) ичида ёзиб тугаллаган илк асари “Хулосат ул-ахбор фи ахвол ил-ахёр” (Хайрли кишилар аҳволида жаҳон хабарларининг хулосаси)да Навоий ҳақида жуда муҳим тарихий ҳужжат ва маълумотларни

келтиради. Масалан, Ҳиротда Навоий қурдирган бинолар, обод қилган зиёратгоҳлар, Навоийга дўст ва унинг ҳимматидан баҳраманд бўлган олим, шоир, хаттот, санъаткор ва бошқалар тўғрисида.

Хондамир вазирлар ҳақидаги “Дастур ул-вuzаро” асарининг бир неча саҳифасида Навоийнинг вазирлик мақомидаги яхши ишлари ва сиёсий фаолиятига таърифлар берса, ўз замонасининг энг муҳим асарларидан ҳисобланадиган “Ҳабибус-сияр”да Султон Хусайн даври тарихининг жуда кўп ўринларида Навоийни тилга олади ёки у билан боғлиқ тарихий воқеаларни ҳикоя қилади. Бу асарнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шунда, Хондамир олдинги асарларда ёритишни унутган ёки кам тўхталган Навоий билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни батафсил келтиради, унинг тарихий сиймосига аниқроқ чизгилар тортади. Ўу асар ёрдамида Алишер Навоий барча амалу мансабларга ўз ихтиёри билан келмаганини, лекин улардан истеъфо беришда ўз ихтиёри билан йўл тутганини билиб оламиз.

“Ҳабибус-сияр”да келтирилишича, Навоий муҳрдорлик лавозимидан “истеъфога чиқди ва амир Низомиддин Шайх Аҳмад Сухайлийни муҳрдор қилиб тайинлашни подшоҳдан илтимос қилди”. Султон Ҳусайн унинг бу илтимосини қабул қилади ва ҳижрий 876 йилнинг шаъбон ойида (1472 йил январь) Навоийни юқорида мансабга “девони олий амирлиги”га тайинламоқчи бўлади. Навоий бу мансабни ҳам рад этиб, ваз ва сабаб келтирса-да, “ҳоқоннинг муносиб хоҳишига биноан девони олий амирлиги мансабини эгаллади”.

Бу ўринда эътиборга молик муҳим жиҳат – Навоий табиатидаги камтарлик бўлиб, у мансаблар сари интилишни эмас, эзгуликка хизмат қилишни мақсад қилганига урғу берилмоқда. Муаллифнинг холислигига шубҳа қилмас ва бўлади. Негаки Хондамир ушбу асарини 1515-1523 йилларда ёзган. Бу даврда Султон Ҳусайн салтанати ҳам, темурийлар даври ҳам тугаган эди. У тарихий ҳақиқатни, улуг шоиримизнинг тарихдаги бор бўлини кўрсатишга интилган.

Навоийнинг яна икки кичик замонадоши ўзларининг

Бобур эътиборини жуда муҳим жиҳатга қаратяпти. Яъни подшоҳнинг ҳар қандай умароси ёки беги унинг “мусоҳиби” (суҳбатдоши) бўлмаслиги ва Навоий унга шундай яқин эканлиги, бу яқинлиги болалиқдан бошланганини уқтирмоқда.



муносиб тарихий асарларида у ҳақида жуда нодир ва қизиқарли далилларни келтирганлар. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530) “Бобурнома”си ва Зайниддин Восифийнинг (1486-1566) “Бадое ул-вақое” асарида Навоий характери ва шахсиятини очувчи, бир неча воқеа ва мулоҳазалар келтирилган. Шуниси қизиқки, ҳар икки муаллиф ҳам Навоийнинг нозиктаъблиги ва олий хулқи ҳақидаги ўринларга диққат қиладилар. Гарчанд, “Бадое ул-вақое”даги ҳикоялар кўпроқ бадиийлик касб этса-да, уларда ҳужжатлилик ва тарихийлик ҳам акс этиб туради. Восифий “Амир Алишер мижози назокати ва латофати”, атрофдагиларга лутфу ҳазиллари, “Навоий таъбида нафсоний шахват руҳий лаззатга майлнинг чеклангани”, Биноий билан муносабати ва яна бошқалар ҳақида ҳикоя қилади.

“Бобурнома”да эса ҳижрий 911 (милодий 1505-1506) йил воқеалари баён этилар экан, Султон Ҳусайн мирзо умароси қаторида Навоий ҳам тилга олинади ва муҳим маълумотлар келтирилади. Кейинги саҳифалар оша ҳам Алишер Навоий турли воқеалар муносабати билан эсланади. Бобур ёзади: “...Яна Алишербек Навоий эди, беги эмас эди, балки мусоҳиби эди, кичиклигида ҳаммақтаб экандурлар...”

Бу ўринда Навоий Ҳусайн Бойқарога яқинлиги нуқтаи назаридан эсланапти ва Бобур эътиборини жуда муҳим жиҳатга қаратяпти. Яъни подшоҳнинг ҳар қандай умароси ёки беги унинг “мусоҳиби” (суҳбатдоши) бўлмаслиги ва Навоий унга шундай яқин эканлиги, бу яқинлиги болалиқдан бошланганини уқтирмоқда. Шундан сўнг Бобур яна бор ва асосли мулоҳазани беради: “Хусусият

бисёр экандур.” Эътибор беринг, Навоий ва Султон Ҳусайн кўп хусусда фикри бир жойдан чиқадиган, ўхшашликлари бисёр дўст экан. Айнан шундай тўхтагани ҳеч бир тарихчи бермаган эди. Тарихий асарларнинг аксаридида Навоий жуда мақталади ва ундаги икки хусусият – нозикмижозлик ва тез ранжишга махсус урғу бериларди. Бобур эса ана шу жиҳатларга ҳам нуқтадонлик билан таъриф топади. Унинг таъкидлашича: “Алишербекиннинг мижози нозуклик билан машҳурдир. Эл назокатини давлатининг гуруридин тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз экандур...”

Талқинга кўра, халқ Навоий табиатидаги нозикмижозлик (нозик ҳис-гуйғулар, суҳбатдош ва дўстни чертиб-чертиб танлаш, нафис ва гўзал нарсаларни суйиш, тавозе, озода ва саришталик каби) хусусиятини ўта давлатманд ва юқори мансабга эга бўлгани сабабидан деб биларди. Аммо ундай эмас экан. Бу сифат у зотда туғма. Чунки Са марқандда моддий қийинчилик билан кечган тўрт йил давомида ҳам худди шундай “нозук мижоз экандур”.

Навоий шахсиятидаги ўзига хос жиҳатларни ҳеч ким Бобурчалик бу тарзда кашф этиб, баён қилмаган эди. Умуман, Бобурнинг Навоийга муносабати, қарашлари ва талқини бошқаларникидан реаллиги ва кенг қамровлилиги билан ажралиб туради.

Бобурнинг жияни Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг (1503-1551) “Тарихи Рашидий” асарида “Мир Алишер зикрида” номли парча мавжуд. Бироқ ундаги маълумотлар бошқа асарларни деярли қайтаради холос. Умуман олганда, кейинги тарихий асарларда бирмунча такрорлар сезилади. Аммо унчалик машҳур бўлмаган яна бир тарихий асар борки, ундаги айрим далиллар янгилиги ва қизиқарли эканлиги билан ажралиб туради. Бу асар Абдулмўминхон ибн Абдуллахон (1598 йили вафот этган) қаламига мансуб “Том ут-таворих” дир. Профуссор А.Ҳайитметовнинг аниқлашича, бу асарнинг ягона кўлёмаси мавжуб бўлиб, унинг уч саҳифасида Навоий ҳаёти билан боғлиқ баъзи муҳим маълумотлар, жумладан, унинг отаси, Самарқандалик даври, Ҳиротга қайтиши, сўнгги ёзган шеъри ва вафоти ҳақида маълумотлар бор билдирилган. Мисол учун, унда таъкидланишича, шоирнинг отаси Гийосиддин Кичкина “бисёр саодатманд ва нек (яхши) ниятлик”, олижаноб киши бўлиб, қўлга тушган банди (асир)ларни хун пулини ўз ёнидан тўлаб, озод қилиб юборар экан. Яна Навоий вафот этишидан бироз олдин ёзган ғазалидан уч байт келтириладики, бу шеър бошқа манбаларда учрамайди. Унинг мақтаъси:

*Эй Навоий, қил фидо жононгаким жон, лоф эрур
Ошиқ ўзни ишқ даъвосида машҳур айламак.*



Ҳасанхожа Нисорий уни тушда кўргани, Навоий ундан шеърларидан ёд билиш-билмаслигини сўраган, илтифот қилганлигини айтади. Фаҳрий Ҳиравий эса: “Амир Алишер – мағфиратпаноҳий. Унинг аҳволининг шарҳи шу қадар кўплигидан баён чегарасига сизмайди...” дейди.

Учинчи хил асарлар яъни, тазкира ва илмий асарлар ҳам бирмунча. Тазкиралар – Давлатшоҳ Самарқандийнинг (1435-1495) “Тазкират уш-шуаро”, Фаҳрий Ҳиравийнинг (1497-1559) “Равзат ус-салотин”, Ҳасанхожа Нисорийнинг (1516-1597) “Музаққири аҳбоб”, Содиқбек Содиқийнинг (1533-1610) “Мажма ул-хавоис”, Шарафиддин Роқимийнинг (XVII аср) “Тарихи том” асари кабилардир. Бобур “Аруз рисола-си” да ҳам Навоийнинг бир қанча шеърларидан келтирилади, айрим фикрлар билдирилади. Аммо, у соф илмий асар бўлгани учун Навоий ҳаёти ва шахсиятига оид маълумотлар берилмаган. Тазкираларда эса аксинча, Алишер Навоий асосан шоир сифатида ёд этилади, асарларидан айрим намуналар берилади. Шу билан бирга, шоир билан боғлиқ баъзи тарихий воқеа ва ҳодисаларга ҳам ишоралар берилади, таҳлил қилинади.

Масалан, Давлатшоҳ ўз тазкирасида Навоийни шундай таърифлайди: “Офтобни таърифлаш ақл қисқалигидан нишона, тоза мушқ фазилати хусусида қиссани чўзиш жоҳиллик аломатидир. Бу улуг амирнинг мақбул ишлари ва

қўтуғ зикри рубъи маскуннинг барча мамалакатларида маълум, фазилатининг дабдабаси ва олий ҳимматининг камолоти бутун оламга ёйилгандир. Бу хусусда нима дейилса ҳам ибрат бўлғусидур...”

Тазкираларнинг муаллифлари Навоий даҳоси ва шахсига бўлган юксак эҳтиромларини турлича изҳор этганлар. Ҳасанхожа Нисорий уни тушда кўргани, Навоий ундан шеърларидан ёд билиш-билмаслигини сўраган, илтифот қилганлигини айтади. Фаҳрий Ҳиравий эса: “Амир Алишер – мағфиратпаноҳий. Унинг аҳволининг шарҳи шу қадар кўплигидан баён чегарасига сизмайди...” дейди.

Таъкидлаш зарур, барча тазкираларда: Навоий туркий ва форсий шеърятда мукамал асарлар яратгани, табиатининг қуввати ва қобилиятининг кенглигини васф этиб тугатиб бўлмаслиги таъкидланади.

Демак, Навоий сиймоси нафақат назм қуёши, балки инсонийлик, олижаноблик, саховатпешалик ва илму адаб офтоби ўлароқ тарих давомида ҳам тасаввурларда шаклланиб келган. Бу қуёш бизга, келажак авлодларга ҳам ўз нурларини сахийлик билан сочаверади.